

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

*Фан ютуқлари — олий мактабга*

Т и л ш у н о с л и к

№ 1

Ҳ. НЕЪМАТОВ, О. БОЗОРОВ

# ТИЛ ВА НУТҚ

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

Махсус муҳаррир: филология фанлари доктори,  
профессор Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

И  $\frac{4602020400-104}{353(04)-93}$  54-93

ISBN 5-645-01892-3

© «Уқитувчи» нашриёти,  
1993

## РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИДАН

Республика ўқув-методика марказининг тил ва адабиёт хонаси ўлкамизнинг олий ўқув юртларида ўзбек тили ўқитилишининг назарий асосларини янгилаш, ўзбек амалий тилшунослигини турғунлик ҳолатидан чиқариш, уни янги тадқиқот усуллари ва йўллари билан бойитиш мақсадида «Фан ютуқлари — олий мактабга. Тилшунослик» туркумини таъсис этди. Бу туркумда чиқадиган рисолаларда жаҳон тилшунослигининг синалган ва бир неча тилни ўрганиш натижасида қўлга киритган ютуқлари ҳақида, тилнинг қурилиши, унинг инсон онгини ва кишилиқ жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ҳақида, тилшуносликдаги янги талқин ва назариялар, тилшунослик билан бошқа фанлар оралиғида ривожланаётган фан йўналишлари (математик лингвистика, психолингвистика, социолингвистика, инженер-техник лингвистика ва ҳоказо) ҳақида бўлажак филологларга — олий ўқув юртлари талабаларига мос тил ва мазмунда маълумот берилади. Булардан асосий мақсад фаннинг янги тадқиқот усул ва йўналишларини талабалар орасида оммалаштириш, уларни янги назарий асосларда ўзбек тили қурилишини ўрганишга, келгусида ўрта ва олий мактабда она тили ўқитишни янги усулларда йўлга қўйишга ундашдир. Жаҳон фанида, жумладан, ўзбек тилшунослигида ривожланаётган янги тадқиқот усуллари, тилни ўрганиш ва ўргатиш усуллари камёб академик нашрларда, ўзбек талабалари фойдаланиши мушкул бўлган тўпламларда, орамизда ҳали оммалашмаган ғарб тилларидаги адабиётларда қолиб кетмоқда. Илғор фикр ва талқинлар кенг талабалар — бўлажак тилшунослар онгига сингмас экан, фанмиз на том маънода юксалади, на жаҳон илмий хазинасидан баҳраманд бўлади. Бу туркум талабаларни фан билан боғлашга хизмат қилувчи бўғинлардан бири бўлади, деган умиддамиз.

Ушбу туркумда чиқадиган материалларни ўзлаштириш ва кундалик амалий фаолиятларида қўллаш учун китобхонлар филология факультетларида ўтказиладиган «Тилшуносликка кириш» ва «Фалсафа» курслари дастурларида назарда тутган материалларни ўзлаштирган бўлишлари шарт. Чунки бу туркумда чиқарилади-

ган рисоаларда мазкур курсларда ўрганиладиган маълумотларга таяниб иш кўрилади.

Марказ бу туркумни узлуксиз давом эттиришга интилади ва рисоалар давомийлик, яъни кейингиси олдингисини ривожлантириши, тўлдириши асосида чиқарилади. Чунончи, нашри режалаштирилган «Тил система сифатида», «Асимметрик дуализм — тил ривожланишининг ички имконияти», «Тилда муносабат турлари» каби рисоалар қўлингиздаги «Тил ва нутқ» рисоласи қамраб олган маълумотларни, жумладан, тилнинг бу рисолада шарҳланган айрим томонларини тўлдиради ва ривожлантиради. Шунинг учун бу туркум билан қизиқувчиларга нашр этилган рисоаларни йиғиб боришни тавсия этамиз.

Республика ўқув-методика маркази олим ва мутахассисларимизни бу туркумнинг узлуксизлигини таъминлашга, унда фаол иштирок этишга чорлайди. Ўзбек тилшунослигини янгилаш каби хайрли ишга бел боғлаган ва ушбу туркумда ўз рисоалари билан қатнашишни ис-таган мутахассис олимлар ўз рисоаларининг сарлавҳаси, қисқача мазмуни ва қўлёзманинг тайёр бўлиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган аризаларини ҳамда иш жойларидан берилган расмий йўлланмани қўйидаги манзилгоҳга юборишларини сўраймиз:

Тошкент. ГСП, Ўзбекистон кўчаси, 80- уй, Республика ўқув-методика марказининг тил ва адабиёт хонаси.

Ҳар бир давр ўз фани олдига муайян мақсад ва аниқ талаблар қўяди. Фанларнинг тараққиёти шу даврнинг илғор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан узвий боғлиқ. Турли фанларнинг манбалари кўп қиррали бўлганлиги сабабли даврнинг етакчи фалсафий фикри аниқ фанлардан ўрганиш манбаининг қайси томонларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини, борлиқдаги мавжуд қонуниятларни мантиқий категорияларда қай усулда акс эттириш йўллариини белгилаб беради. Фалсафанинг методологик аҳамияти ҳам, унинг бошқа фанларга бевосита таъсири ҳам ана шундан иборат. Фанлар тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг тараққиёти икки зарурий диалектик босқичдан иборат бўлади: биринчи босқич — ўрганилаётган манба, унинг бўлимлари ва таркибий қисмлари, белги-хусусиятларини аниқлаш, уларни саралаш, изчиллаштириш ва тасвирлаш. Бу ҳали том маънода илмий таҳлил эмас, лекин илмий ўрганишнинг зарурий таркибий қисмидир. Бу босқичдаги тадқиқотлар формал мантиқ ва эмпирик асосларда олиб борилади. Фактография (далилларни йиғиш ва изчиллаштириш) даври босиб ўтилгач, далил ва ҳодисаларнинг ўзаро ички муносабатларини ўрганишни, шу муносабатлар асосида ҳар бир далилнинг моҳиятини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган иккинчи босқич куртаклари шакллана бошлайди. Демак, биринчи босқич фаннинг кенг йўлга чиқиб олишини белгиловчи ижтимоий эҳтиёж вазифасини ўтайди.

XX аср бошларида Европа илмий-фалсафий таълимотиغا Ф. Гегель диалектик усулининг кенг кириб бориши физикада тўнгарини ҳисобланган А. Эйнштейн нисбийлик назариясининг шаклланиши ва ривожини, турли фанлар соҳасида бўлгани каби, тилшуносликка ҳам қатта таъсир кўрсатди. XX аср фанидан мустақкам ўрин ола бошлаган диалектик усулнинг моҳияти шунда эдики, бу усул тадқиқотчиларни нарса ва ҳодисаларнинг бевосита ташқи кузатилишида (кўриш, эшитиш, ўлчаш кабиларда) акс этадиган хусусиятларини тавсифлаш билан чегараланмасликка, балки бу хусусият ва хоссаларнинг заминида ётган моҳиятини ақдан анг-

лашга ҳамда тушунтиришга ундади. Диалектика, мета-физикадан фарқли ўлароқ, борлиқ ва онгнинг раиш-баранг хусусиятлари ҳар доим ўзаро алоқадорлик, боғлиқликда олиб ўрганилмоғи лозимлигини кўрсатади ҳамда турли фанларнинг тадқиқотчиларига нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қила оладиган умумий гносеологик қонун ва категорияларни тавсия этди. Бу эса, ўз навбатида, турли фанларда бўлгани каби, тилшуносликда ҳам инқилобий бурилишни вужудга келтирди.

Тилнинг турли қирраларини узвий тарзда бирлаштириб, уни яхлит бир бутунлик, бир система сифатида ўрганувчи тилшунослик асримизнинг 20-йилларида шаклланди ва систем-структур тилшунослик номи билан машҳур бўлди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Фердинанд де Соссюр асос солган XX аср систем тилшунослиги бағрида ўнлаб янги лингвистик оқим ва мактаблар вужудга келди, уларда улкан замонавий ютуқлар қўлга киритилди. Лекин совет лингвистикаси маълум давргача систем тилшуносликни тўлиқ тан олмади, уни «буржуа фани» ва уйдирмачиликда айблади. Ниҳоят, 60-йилларда, кибернетика, генетика, мантиқ каби фанлар қатори, систем тилшунослик ҳам «оқланди», тилшуносларимиз систем тилшуносликни тан олдилар ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Асосий тадқиқот принциплари 30-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошларида шакллана бошлаган ва асримизнинг 50—60-йилларида ниҳоясига етган ўзбек тилшунослик фани ҳозирги кунда сифат жиҳатдан ўзгариш арафасида турибди. Ўтган 50—60 йил давомида ўзбек тилшунослиги ўз олдида давр эҳтиёжи заминида қўйилган қатор назарий ва амалий вазифаларни (қулай алифбо яратиш, саводсизликни тугатиш, адабий тил меъёрини қатъийлаштириш ва уни кенг оммага сингдириш, мактаб ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратиш, ўзбек тили далилларини атрофлича тўплаш, изчиллаштириш, уларга маълум шарҳлар бериш, Европа лингвистик таҳлил усулларини кенг оммалаштириш каби вазифаларни) ҳал этди. Ҳозирги даврда эса ўзбек тилшунослиги олдида тил ҳодисалари орасидаги қонуний ички боғланишларни очиб бериш, ўзбек тилининг хилма-хил сатҳлари ва уларнинг бирликларини бир бутун ҳолда, ўзаро боғлиқликда олиб, яхлит бир система сифатида текшириш каби долзарб вазифалар турибди. Бунинг учун Ф. де Соссюр асарида (1916)

тавсия этилган, сўнги даврда юзлаб тилшуносларнинг ишларида синалган, мукамаллаштирилган систем тилшунослик усул ва йўлларини ўзбек тили далилларини ўрганишга ҳам татбиқ этиш лозимдир.

XX аср тилшунослиги номини олган, диалектик усул билан қуролланган систем тилшуносликнинг асосини тил ва нутқ оппозицияси ташкил этади [7:68—69; 9:94—100; 41:12—23; 42:140; 46:125; 47:56—58].

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаб ёндашишни дастлаб VIII—IX асрларда шаклланган араб тилшунослигининг тил ўрганиш усулларида [4:160—162; 21], кейинчалик эса В. Гумбольдтнинг тилдаги «энергео» (ҳаракат, жараён, куч) ва «эргон» (маҳсулот), А. Штейн-талнинг тилдаги «барқарор моҳият» ва «ҳаракатдаги кучлар», Бодуэн де Куртенэнинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» ҳақидаги таълимотларида учратамиз [4:483; 12:10—16; 44:5—14; 48:12—16]. Лекин тил билан нутқ ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни том маънода илмий-назарий ҳамда амалий фарқлаш; тил ва нутқ бирликларининг моҳиятини очиш йўллари, «тил» ва «нутқ» тушунчаларига батамом янги мазмун берилиши Ф. де Соссюр ва унинг издошлари яратган таълимот билан боғлиқдир.

Прага тилшунослари, шунингдек, собиқ совет лингвистлари систем тилшунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар, идеалистик диалектика методологиясига таянадиган Соссюр таълимотини материалистик асосда ривожлантириб, унга диалектик материализмга хос мазмун, йўналиш бердилар (Смирницкий А. И., Панфилов В. З., Мельничук А. С., Солнцев В. М. ва бошқалар). Бу эса, ўз навбатида, замонавий тилшунослик фанининг объектини тўғри белгилаб олишга замин яратди.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўзаро диалектик боғлиқ бўлган тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқига оид айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай [36:41—42; 38:16—21; 45:75], ҳозирга қадар бу масалага эътибор етарли эмас. Тил билан нутқни фарқлаб ёндашиш ўзбек тили тадқиқотлари учун асос қилиб олинмаганлиги нутқ товуши ва фонема, фонетик ва фонематик ўзгаришлар, лексема, лексик ва ситуатив номинация, қурилма (моделлар) ва уларнинг юзага чиқиши, луғавий бирликларнинг макро- ва микротекстдаги хусусиятлари, ўзбек тили синтактик сатҳида моҳият ва

ҳодиса каби масалаларни атрофлича чуқур талқин этишига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги давр систем тилшунослигида тил ва нутқ оппозициясидан келиб чиқиб, нутқ фаолияти қуйидаги уч таркибий қисмдан иборат, деб кўрсатилади: а) тил; б) сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш кўникмаси ва малакаси); 3) нутқ [24:12].

Тил дейилганда маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан (олдинги авлодлар томонидан) тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун [3:33—53] хизмат этадиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиши ва боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Тилнинг бундай талқинидан кўриниб турибдики, у инсон онгидаги психофизик ҳодиса бўлиб, ўзига умумийлик, моҳият [25:54—60], имконият каби сифатларни мужассамлантирган. Тил ўзининг бу сифатларини конкрет формаларда — хусусий ҳодиса ва воқеликлар сифатида, ранг-баранг миқдорий (физик, материал) кўринишларда гавдалантиради. Шу нуқтаи назардан тил ва нутқнинг ҳар бирига хос бўлган мавҳум-конкрет тарздаги коррелят нисбий мустақил бирликларига эътибор беринг:

Тил бирликлари	Нутқ бирликлари
фонема	товуш, фон (ҳарф) бўғин
морфема	аффикс (қўшимча), морф
лексема	сўз (лекс)
конструкция (модель)	сўз форма; сўз бирикмаси; гап; микротекст; макротекст

Тил бирликлари ҳаминша икки томоннинг бир бутунлигидан иборат бўлади: а) тил бирлигининг субстанцияси — ташқи моддий томондан (фонемаларнинг талаффуз хусусиятлари, морфемалардаги фонемалар тизмаси, конструкция — моделдаги комплекс акустик таркибий қисмлар ва ҳоказолар); б) тил бирлигининг маълум бир функцияси (маъноси, қиймати) — ички томондан (фонемаларнинг маъно фарқлаш, чегаралаш



ва бошқа вазифалари, морфема ва конструкцияларнинг мазмун ва функциялари). Тил бирликларининг бу ташқи ва ички томонларини бир-биридан ажратиш, узиш, бир томонни мутлақлаштириш мумкин эмас. Тил ижтимоий-психик ҳодиса бўлганлиги сабабли унинг бирликлари ҳам ижтимоий-психик хусусиятга эга бўлиб, бевосита кузатишда берилмаган.

Сўзлаш қобилияти тушунчаси остида маълум бир жамиятга мансуб шахснинг шу жамиятга мансуб тилдан огоҳлиги, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражаси англашилади. Нутқ эса юқорида таърифланган тилнинг тил қобилияти асосида айрим шахс томонидан маълум бир коммуникация (хабар бериш) мақсади учун ишга солиниш ёки қўлланиш натижасидир.

Бир-бирини шартловчи, бир-бирига боғлиқ бўлган «тил — тил қобилияти — нутқ» занжирида фақат нутққина ташқи (моддий) формада (оғзаки, ёзма, турли шартли белгилар воситасида) намоён бўлади ва бизнинг сезги аъзоларимиз томонидан қайд этилади (эшитилади, ёзилади, кўрилади, ўлчанади). Тил эса яширин ички ҳамда идеал ҳодиса сифатида англанади, тасаввур этилади.

Ф. де Соссюр тил — нутқ дихотомиясини шатранж ўйини қоидалари мисолида тушунтириб беришга ҳаркат қилган эди [47:120—121, 138]. Ҳақиқатан ҳам, шатранж тахтасидаги 64 катак тенг ҳолатда икки хил рангда икки гуруҳга ўттиз иккитадан ажратилиб, қарама-қарши қўйилади, ҳар икки гуруҳдаги доналарнинг вазифа ва қиймат жиҳатидан бир-бирига тенг, доналарнинг ўзига хос жойлашиш тартиби ва юриш қоидалари бир хил. Шатранж ўйини қоидалари ўйинчилар учун мажбурий, аввалдан маълум бўлиб, улар доимо ўйинчилар хотирасида сақланади. Ҳар икки ўйинчи бир хил имкониятга эга бўлиб, шатранж ўйини қоидаларига бир хил бўйсунса ҳам, ўйинчиларнинг ўзлари имкониятлардан фойдаланиш маҳоратига кўра бири кучли, бири кучсиз мавқеда бўлади. Қайси шатранжчи имкониятларни ўз мақсади йўлига изчиллик билан бўйсундира олса, у шу имкониятлардан фойдалана олмаган рақибини енгади.

Тил ва шатранж қурилмалари ўзаро муқоёса этиладиган бўлса, аввало, уларнинг бирликлари (ташқил этувчилари) орасида умумий ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Ҳар иккала қурилма ҳам бир-

ликлар системаси ва бу бирликларининг вазифалари билан иш кўради. Иш кўришда маълум қонун, қондаларга таянилади. Ҳар икки ҳодисанинг ижрочилари инсонлар бўлиб, уларга ҳар икки фаолият турларида ҳам муайян имкониятлар берилган. Шунинг учун шатранж тахтаси, унинг доналари — шатранж ўйинининг ташқи, моддий, материал томони (субстанцияси) ҳақидаги тасаввурни ҳамда шатранж ўйини қондалари — доналарнинг жойлашиши, ҳаракат қондалари, яъни шатранж ўйинининг ички томони ҳақидаги тасаввурни тил, тил бирликларининг ички ва ташқи томонлари билан қиёслаш мумкин.

Умуман, Ф. де Соссюрнинг тил ва шатранж аналогияси тил ва нутқ моҳиятини тушунтиришда кенг қўлланади.


Тил билан нутқ орасидаги муносабатга диалектик нуқтаи назардан ёндашилгандагина у ҳақидаги тасаввур, билимларимиз тўлақонли бўлади, мукамаллашади. Ҳақиқатан ҳам, тил ва нутқ дихотомиясига диалектик материализмнинг умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, сабаб ва натижа категориялари нуқтаи назаридан ёндашсак, тилга умумийлик, моҳият, имконият, сабаб каби бевосита кўриб-билиб бўлмайдиган томонларнинг, нутққа эса хусусийлик, ҳодиса, воқелик, натижа каби томонларнинг алоқадор эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам биз тил ва нутқ ҳодисаларини диалектик материализмнинг юқорида эслатилган категориялари асосида ўрганмоғимиз лозим.

Тил билан нутқнинг ўзаро муносабатини яхши англамоқ учун, аввало, тилнинг ўзини, унинг қандай қурилма эканлигини аниқ ҳис этмоқ керак.

Тил дискрет (ажралувчан, бўлинувчан, нисбий мустақил) бирликларнинг мажмуи ёки турғун хусусий бирликларнинг ўзаро барқарор, доимий боғланиш муносабати асосида ташкил топган янги бир бутунликдан иборатдир. Тил бирликлари ташкил этувчилик принципи асосида ўзаро боғланган бўлади. Шу нуқтаи назардан тил бирликларини, аввало, икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) минимал ташкил этувчи ёки энг кичик тил бирликлари; б) минимал тил бирликларидан вужудга келган ҳосила тил бирликлари.

Аввало шуни эслатиб ўтиш ўринлики, ташкил этувчилар дейилганда ўзаро бирикиб, ўзидан йирик тузилишдаги бир бутунликни (ўзларидан юқорироқ сатҳга мансуб бирликни) ҳосил этувчи бирликлар тушунилади.

Масалан, *АБСД* квадрат ўзига хос катта бир ҳосила бутунликдир:



У қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- 1) *АВ*, *АД*, *ВС*, *СД* тўғри чизиқлари;
- 2) *АВ* ва *СД*, *ВС* ва *АД* тўғри чизиқларининг ўзаро тенглиги ва параллеллиги;
- 3) *АВ* ва *АД*, *ВС* ва *СД* тўғри чизиқларининг ўзаро тенглиги ва перпендикулярлиги;
- 4) шу чизиқлар асосида вужудга келган тўртта  $90^\circ$  ли бурчак.

Ташкил этувчилардан бирортаси ўзгарса, бутунлик ҳам ўзгаради. Ташкил этувчилар (ёки энг кичик ташкил этувчилар) билан улар томонидан янги ташкил этилган бутунлик орасида иерархик (поғонали) бутун билан бўлак боғланиши мавжуд. Иерархик муносабат тил бирликларининг сатҳма-сатҳ қатламланишида мухим аҳамият касб этади. Қуйи сатҳда жойлашган ташкил этувчилар (бўлаklar) билан юқори сатҳ бирлиги орасидаги бутун — бўлак муносабати нисбий моҳиятга эгадир. Бошқача қилиб айтганда, ташкил этувчининг ўзи ҳам ички бўлинишга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги фонемалар маълум бир бутунликни, бир сатҳ (фонологик сатҳ) ни ташкил этади. Бу сатҳ эса, ўз навбатида, икки қисмдан, яъни унли ва ундошлар системасидан иборат. Чунончи, унлилар системаси лабланганлар ва лабланмаганлар гуруҳидан ташкил топган. Масалан, лабланмаган унлилар ўз навбатида [и] ~ [э] ~ [а] фонемалари занжиридан, яъни конкрет, мустақил фонемалар ва уларнинг ўзаро барқарор муносабатларидан иборатдир. Кўриниб турибдики, ташкил этувчи тушунчаси (ва шу асосда тушуниладиган бирликлар) ўта нисбий белгиланади. Лекин минимал ташкил этувчилар дейилганда, асосан, бошқа алоҳида ташкил этувчиларга бўлинмайдиган, охириги бўлинишни ёки

дастлабки қўшилишни ташкил этадиган бирликлар тушунилади. Бизнинг мисолимиз минимал ташкил этувчиларни [и], [э], [а] каби фонемалар ташкил этади.

Яна шунини эслатиб ўтиш ўринлики, минимал ташкил этувчиларга, энг кичик «предмет» томонлардан, бирликлардан ташқари, улар орасидаги барқарор муносабатлар ҳам кириши лозим (АБСД квадрати ташкил этувчилари рўйхатига қаранг), иккинчидан гилшуносликда «бўлинмас», «энг кичик» деб тушуниладиган фонема, морфема каби бирликлар яна ҳам кичикроқ ташкил этувчиларга ажратилади. Чунончи, фонемада фарқловчи белгилар, морфемада мазмун режаси (семема) ва ифода режаси (номема, сонема), семемада эса семалар ажратилади. Хуллас, бутунлик (система) ва ташкил этувчи бирликлар муносабати диалектик тарзда бўлиб, турли объектларда турлича гавдаланади.

Тилининг энг кичик бирликлари фонемалардир. Фонема — сўзловчиларнинг маълум товуш типи ҳақидаги ижтимоий тасаввурларидир. Ҳар бир фонема сўзловчилар хотирасида ўзининг типик фарқловчи белгилари йиғиндиси заминида шаклланган махсус идеал «акустик портрет» ёки «товуш образи» сифатида сақланади. Фонеманинг фарқловчи белгилари эса артикуляцион (нутқ аъзоларининг автоматлашиб ёки стандартлашиб қолган типик ҳаракати, ҳолати ҳақидаги тасаввур) ва акустик (фонема алоқадор бўлган товуш типига хос талаффуз сифати: ўзига хос баландлиги, кучли тембри, чўзиқ-қисқалиги, овоз ва шовқиннинг миқдорий роли каби) белгилар ҳақидаги тасаввурлар асосида қарор топади. Масалан, ўзбек тилида сўзловчи шахснинг оинида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги маълум белгилар мажмудан иборат 31 товуш типи — фонема ҳақида маълумот бор. Сўзловчи ушбу маълумотга тил ўрганиш, бошқалар нутқини кузатиш, адабий тилда сўзлашга одатланиш натижасида эришган. Масалан, у амалий равишда, яъни ўзининг эшитиш ва сўзлаш аъзолари фаолияти натижасида [и] фонемасининг унлилик, торлик, лабланмаганлик; [ў] фонемасининг унлилик, ўрта кенлик, лабланганлик; [б] фонемасининг ундошлилик, шовқинлилик, жаранглилик, портловчилик; лабда ҳосил бўлиш каби белгиларга эга эканлигини билдиради белкўрсатилган фонемаларни ўз нутқида эслатилган белгиларни типик ҳолда «жонлантириш»га, «намоён этиш»га ҳаракат қилади.

Фонемаларнинг нисбатан кўп эканлиги уларни хо-

тирада қай тарзда сақлаб қолиш масаласини келтириб чиқаради.

Маълумки, инсон алоҳида олинган нарса, шахс, ҳодиса қабиларни уларнинг ўзига хос белгилари асосида эса олиб қолади. Нарса миқдор жиҳатдан кўпликни ташкил этса, эслаб қолишнинг асосий йўли нарсаларни тасниф қилиш, гуруҳларга ажратиш, уларга хос ўхшаш ва ноўхшаш белгиларни аниқлаш, шу йўл билан ажратилган гуруҳларни яна ички гуруҳларга, уларни эса кенг кичик бирликларга — ташкил этувчиларга ажратишдир.

Нутқ товушлари асосида фонемалар (тил бирликлари) нинг юзага келиш жараёни ва унинг натижаси ҳам юқоридаги умумий принципдан четга чиқмайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги 31 фонема адабий тилда сўзловчилар хотирасида, аввало, икки идеал майдон — унли ва ундошлар системаси тарзида мавжуд бўлади. Бу гуруҳлар эса товуш таркибидаги моддий ҳодисаларнинг — овоз ва шовқиннинг шу товуш типларини шакллантиришда қатнашувини ҳисобга олиб белгиланади. Унлилар ҳам, ундошлар ҳам, ўз навбатида, ўзига хос ранг-баранг белгилари асосида кичикроқ гуруҳларга ажратилиб, уларга хос бўлган ташкил этувчиларнинг хусусий белгилари аниқланади ва шу асосда улар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги олти унлининг бу тил учун аҳамиятли бўлган белгилар асосида қарама-қарши қўйилиши қуйидагича:

И	Э	А
}	}	}
У	У	О

Хуллас, энг кичик тил бирликлари ҳисобланган фонемалар инсон нутқ аппарати ёрдамида ҳосил қилинган товуш типларининг андазалари бўлиб, улар психикастик образлар «галереяси», қатори сифатида бизнинг хотирамизда сақланади. Сўзловчилар ушбу психикастик образлар асосида нутқ аъзоларини ҳаракатга келтиради ва натижада фонемаларнинг нутқий кўринишларини ҳосил этади. Масалан, [а] фонемаси маълум бир артикуляцион (талаффуз) ёки акустик тасаввур билан, нутқ аъзоларининг махсус фаолияти билан боғлиқ. Ушбу тасаввур [а] фонемасининг ташқи

материалини, ифода томонини, субстанциясини ташкил этади. Шу билан биргаликда [а] фонемаси иккинчи томонга ҳам — тилдаги маълум лексема ва морфемаларни фарқлаш қобилиятига ҳам эга. Бу қобилият [а] фонемасининг мазмун (вазифа) томонини ташкил этади. Қ и ё с л а н г: [қора] ва [қара], [ота] ва [ата], [она] ва [ана] каби лексемалар ўзаро [о] ва [а] фонемаларни билан фарқланади. Шунинг учун ҳам фонемага тилнинг маъно фарқлаш қийматига эга бўлган энг кичик бирлиги деб таъриф берилади. Фонемаларда ифода (ташқи материал) ва мазмун (ички қиймат) режаларининг бирикиши масаласи мураккаб. Бунинг сабаби шуки, тилдаги ҳар бир фонема қандайдир мазмун (функция) билан бевосита боғланмайди. Шунинг учун тилшуносликда баъзан фонемага бир томонлама бирлик, яъни фақат тилнинг субстанцияси бирлиги деб қараш учрайди [8:149; 42:112]. Аммо бу назария тарафдорлари ҳам фонеманинг маъно фарқлаш вазифасини рад этмайдилар.

Тил бирликлари ҳисобланган фонемалар, эслатилганидек, маълум қийматга, яъни ижтимоий вазифаларга эга бўлганлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Улар янги сўз ясаш, маъно фарқлаш, аффикслар ҳосил қилиш бўйича тилнинг элементар қурилиш материаллари ҳисобланади.

Мустақил тил бирликлари мақомига эгаллиги, тил қурилмасида ўзига хос хусусиятга эга бўлган системани шакллантирганлиги учун фонемалар ҳозирги замон тилшунослигининг мустақил тармоғи бўлмиш фонологиянинг (фонемалар ҳақида таълимотнинг) объекти сифатида тан олинади [2:30—34; 6:21—55; 31:120—134].

Тилнинг энг кичик бирликлари (фонемалар) асосида вужудга келган иккинчи босқич бирликларга лексема ва морфема тўғри келади.

Тилнинг номлаш, ифодалаш, кўрсатиш учун хизмат қиладиган идеал хотира бирлиги лексемадир. Тил бирлиги ҳисобланувчи лексема бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган икки идеал (психофизик) томоннинг тарихий-ижтимоий бутунлигидан иборат. Бу бутунлиkning бир томонини лексеманинг фонематик-акустик структураси (номема), иккинчи томонини эса идеал бирлик—маълум тушунча заминида шаклланган маъно (вазифа)—семема [22:9] ташкил этади. Лексеманинг инсон тил хотирасидаги акустик образ билан маъноларнинг ўзаро бирикишидан

вужудга келиш ҳолатини Соссюр кислород ва водород бирикишидан сувнинг вужудга келиш ҳолатига ўхшатган эди. Кислород билан водород алоҳида-алоҳида ҳолатларида сувнинг хусусиятларини акс эттира олмаганидек, идеал акустик образ ва маъно тасаввурлари ҳам мустақил олинганда эмас, балки фақат ўзаро боғлангандагина луғавий бирлик — лексемани ташкил этади [47:135]. Соссюр яна бир ўринда [47:145] тил бирлигидаги субстанция (моддий томон) ва маънонинг ўзаро ташкил этувчилик ҳолатини бир қоғоз varaфининг икки томонини ўзаро ташкил этувчанликнинг кўриниши билан қиёслаган эди. Хуллас, лексемадаги эслатилган икки томон лингвистик таҳлил жараёнидагина шартли равишда нисбий мустақил бирликлар сифатида алоҳида олинishi мумкин, холос.

Тил бирлиги ҳисобланган лексеманинг лингвистик объект сифатида оладиган бўлсак, бу идеал психоакустик структуранинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, қурилиш қонуниятлари борлиги маълум бўлади. Лексемаларнинг товуш структуралари ўзаро фарқланувчанлик хусусиятига эгадир. Акс ҳолда, инсон тараққий этган ўз тафаккурининг катта миқдордаги ҳосила бирликларини — тушунчаларни (маъноларни) бир-биридан фарқлай ва хотирада сақлай олмас, улардан коммуникация жараёнида тез ва ўринли фойдалана олмаган бўлар эди. Агар ўзбек тилида 80—100 минг атрофида лексема борлигини, уларнинг 31 фонеманинг турли фарқли бирлашмаларидан вужудга келганлигини ҳисобга олсак, лексематик фарқланувчанлик ниҳоятда хилма-хил эканлигини сезиш қийин эмас. Тил луғавий бирликлардаги ўзаро фарқланувчанлик турли хил даражада рўёбга чиқарилган. Қиёсланг: лексемалар фонемаларни зидлаш асосида ҳосил қилинган: а) биттадан фонеманинг: [у — олмош] — [э — ундов]; б) иккитадан фонеманинг: [иш] — [от]; в) учтадан фонеманинг: [бор] — [сўз]; г) тўрттадан фонеманинг: [тўрт] — [эшик] каби. Кучли оппозициялардан ташқари, кучсиз оппозициялар билан ҳам иш кўрилган, яъни лексемалар айрим фонема ёки фонемалар уюшмаси орқали ўзаро фарқланган: [тош] — [бош], [ота] — [она], [кўз] — [кўр]; [киши] — [кичик], [саксон] — [саксовул] ва ҳоказо. Тилнинг катта миқдордаги луғавий бирликларига бўлган эҳтиёжи бир фонеманинг бир лексема таркибида қайта ишлатилишига сабаб бўлган: [мана], [иссиқ], [бобо] каби. Ўзаро фарқлилиги ва қарама-қаршилиги принципи асосида лек-

семалар яратиш учун фонемаларнинг такрорий ишлатилиши натижасида сўз структур ҳажмининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, аниқ талаффуз қийинчилигини бартараф этиш масаласини келтириб чиқарганки, буни тил эгалари лексемаларни унлилар асосида бир ҳаво зарби билан айтиладиган қисмларга — бўғинларга ажратиш ва шу асосда лексеманинг яхлит акустик структурасини дискрет талаффуз этиш орқали ҳал этганлар.

Юқорида эслатилгандек, ҳар бир лексема тил бирлиги сифатида ифода режасига (номема, товуш субстанциясига) ҳамда мазмун режасига эга. Лексемаларнинг мазмуни режасига денотатлар (референтлар) деб аталадиган [20:87], объектив оламда мавжуд бўлган нарса, ҳодиса, ҳолат, белги, муносабат кабиларга ва шулар билан алоқада бўлувчи тушунчаларга боғлиқ. Масалан, объектив оламда [дарахт] деб номланувчи қаттиқ танали ўсимлик турли (денотатлар) мавжуд. Бу денотатлар бизнинг онгимизда *дарахт* тушунчасини шакллантирган. Ўз навбатида [дарахт] тушунчаси эса [дарахт] лексемасининг маъносига асос бўлган, бу маънонинг ўз навбатида [д], [а], [р], [х], [т] фонемалар тизмаси (комплекс) билан тарихий-ижтимоий боғланиши тил бирлигини юзага келтирган. Албатта, [дарахт] тушунчаси [дарахт] лексемасининг маъноси билан айнан тенг эмас, лекин у билан алоқада, муносабатдадир.

Тил бирлиги ҳисобланган лексеманинг идеал (мазмун) томони семема ҳам, унинг иккинчи ташкил этувчи томони (товуш субстанцияси) сингари, таркибий қисмлардан иборат. Масалан, [ака] ва [ука], [она], [сингил] лексемаларининг маъно компонентларини — семаларини [26:17—19] олиб кўрайлик:

[ака] — қон-қариндош, бевосита, бир авлод, эркак, катта

[ука] — қон-қариндош, бевосита, бир, авлод, эркак, кичик

[она] — қон-қариндош, бевосита, бир авлод, аёл, катта

[сингил] — қон-қариндош, бевосита, бир авлод, аёл, кичик

Кўриниб турибдики, бу лексемаларнинг маъносида ўзаро ўхшаш, фарқланувчи ва такрорланувчи қисмларни — семаларни [37:48] кўриш мумкин. Бу семалар ўзаро бирикиб, янги бутунликни, семемани — лексеманинг ички томонини ҳосил қилган.

Лексемаларнинг мазмун режалари ҳам, товуш суб-



станцияларида бўлгани каби, ўхшашлик, фарқлилик, зидлик принциплари асосида ўзаро бевосита ва иерархик боғланиб [30:199], тилнинг мураккаб бир бутун макросистемасини ташкил этади. Бу билан тил олами ўзига хос равишда табиат, жамият оламидаги нарса, ҳодиса, муносабат кабиларнинг объектив (аслий, табиий) ҳолатдаги ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлигини айнан акс эттиришни таъминлайди.

Яна «ака» ва «ука» лексемаларини олиб кўрайлик. Улар бир неча ўхшаш семалар орқали ўзаро боғланиб, «катта», «кичик» семалари билан ўзаро фарқланади. Ўз навбатида, бу лексемалар қариндошликни ифодаловчи сўзларнинг лексик-семантик гуруҳига, бу гуруҳ эса «предметлик» семалари билан от сўз туркумига мансуб бўлади. Сўнгра эса от туркумига оид сўзлар «предмет — предмет эмас» оппозициясида бошқа сўз туркумларига боғланади ва ҳоказо.

Лексемаларнинг ифода ва мазмун режалари орасидаги муносабат антоним, синоним, омоним, пароним деб номланувчи лексик микросистемаларни белгилашда ҳам асосга олинади.

Тилда ифода ва мазмун томонлари диалектик тарзда боғланади. Бунда ифода режаси ўзининг рамзий (шартли) белгиллиги [10:47—58] асосида нисбий мустақилликка эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, лексемаларга ёндош бўлган тил бирликлари — турғун фразеологик бирликларда ифода ва мазмун режаларининг ассимметрияси (бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги) мавжуд. Қуйида келтирилган матнлардаги *Тарвузи қўлтиғидан тушди* жумласининг ички томонига диққат қилайлик:

*1. Қиш чилласида... тарвуз! Неча ҳафтадан бери хотини уйда орзиқиб кутади. Жамила тушунади: ҳозир тарвуз пайти эмас. Шунинг учун ундан сўрамайди... Тарвузни кўргач, Жамила не аҳволга тушар экан... Ҳаёл дарёсига фарқ бўлган куёв бирдан тойиб кетди, тарвузчи қўлтиғидан тушди — «тарс» этиб ёрилди.*

*II. Не-не умидлар билан келган арзғўйнинг тарвузи қўлтиғидан тушди, «ноумид шайтон» қабилида яна бир ҳаракат қилишга уринди.*

Биринчи матндаги *тарвузи қўлтиғидан тушди* нутқий ҳосила: ўзбек тилидаги [тарвуз], [қўлтиқ], [туш] лексемаларининг маълум грамматик формалар билан бирикиши ва шу асосдаги [эса — воситади, тўлдирувчи ёки ҳол — кесим] моделининг нутқда юзага чиқишидир.

Нутқий ҳосила қисмлари ўз мазмун ва ифода режасининг мустақиллигини, алоҳидалигини сақлаган. Бу ҳолатда ифода режаси билан мазмун режасининг мослиги мавжуд. Иккинчи матндаги *тарвузи қўлтиғидан тушди* ҳодисасида эса ифода ва мазмун режалари орасида симметрия йўқ: бутун жумла семантик жиҳатдан қайта қурилиб, «бўшашмоқ» маъноси учун хосланиб қолган.

Тилнинг ифода режасида бир-бирига зид ҳолатларни, миқдорий ўлчамлардаги зиддиятларни кўриш мумкин. Масалан, фразеологизмлар ва синонимияда ифода бирликлари мазмун бирликларидан кўп бўлса, полисемия ва омонимияда бунинг аксини кўрамиз. Бунда шаклан бир хилликка эга бўлган луғавий бирликлар икки ва ундан ортиқ маъно билан иш кўради. Икки ва ундан ортиқ маъно бир шаклга тўғри келиши ҳолларини контекст ёки матн бартараф этади.

Тилнинг ташкил этувчи бирликларига, фонема ва лексемалардан ташқари, морфемалар ҳам киради. Морфема дейилганда тилда хусусий маънога эга бўлган энг кичик бирликлар тушунилади. Морфема ҳам ташқи (моддий, субстанция) ва ички (маъно, вазифа) томонларнинг яхлитлигидан иборат. Номинатив мустақилликка эга бўлмаган, мустақил синтактик вазифа бажармайдиган ушбу бирликлар турли лексик-грамматик эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилади ва, асосан, икки хил функцияни бажаради: янги лексемалар яшаш ва гап таркибида лексемаларга қўшимча семантик-функционал қиймат бериш. Ҳар бир тил, одатда, ўзининг сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар системасига эга бўлиб, бу системаларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари мавжуд.

Тил бирликларининг навбатдаги тури қурилмалар — моделлардир. Бундай моделлар тилдаги лексема ва морфемаларнинг ўзаро бирикиш схемалари, қолипларидир. Тил бирлиги ҳисобланадиган моделларга асосан сўз ясалиши, сўз бирикмаси ва гап қурилишига оид бўлган мавҳум қолиплар, схемалар киради. Энг сўнгги нашр этилган (1980) рус академграмматикаси содда гаплар таҳлилини шу гапларнинг структур схемаси ҳақидаги маълумот билан бошлайди: «Содда гапнинг структур схемаси бу абстракт синтактик намуна бўлиб, ушбу намуна бўйича хусусий минимал, мазмунан нисбий мустақил гап шакллантирилиши мумкин. Структур схемалар қуйидаги белгилар мажмуи бўйича ўзаро фарқланади: схеманинг шаклий қурилмаси (сўз формалари

ва уларнинг ўзаро муносабати); схема семантикаси; схема бўйича қурилган гапнинг парадигматик хусусиятлари: регуляр реализация схемаси; кенгайиши (ёйиқ ҳолатга ўтиш қондалари); у ёки бу схема асосида қурилган гаплар содда гапнинг маълум турини ташкил этади» [40:90].

Моделларда [33:45—48; 39] ифода ва мазмун режаларининг ўзаро бирикиши тил бирлиги сифатида алоҳида олинадиган лексема ва аффиксларга нисбатан ўзгачадир. Моделларнинг турига қараб уларнинг ички томони ҳам хилма-хил бўлади. Масалан, сўз бирикмалари моделлари лексик-семантик босқичдаги номинациядан синтактик-коммуникатив босқичдаги номинацияни вужудга келтиради. Ўз навбатида, гап модели эса бирламчи синтактик-коммуникатив номинацияни, яъни маълум воқеа ёки вазиятнинг мураккаб атамасини ҳосил қилади. Масалан, { [от] + [сифат] } гап модели маълум субъект ёки предметнинг бирор ситуатив белгига эгалик ҳолати ҳақидаги фикрни англатишга хизмат қилади. Масалан, (*Гул қизил*), (*Осмон тиниқ*), (*Йўл катта*) каби. Тўғри, лингвистик аъъанага кўра илгари сўз бирикмаси ва гап, умуман, нутқ ҳодисалари сифатида қаралар эди. Лекин Ф. де Соссюрнинг тил ва нутқ ҳақидаги таълимоти эълон қилинган даврдан бошлаб тилшунослар синтактик ҳодисалар негизида ҳам хотирада сақланувчи синтактик бирликлар — моделлар ётишини аниқладилар, бу эса, ўз навбатида, аъъанавий синтаксис объектига янгича ёндашишни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, тилда фонема, морфема, лексема ва қурилма (модель) каби ташкил этувчи бирликлар мавжуд бўлиб, улардан ҳар бири ўзига хос қатор белгиларга эгадир.

Энди бевосита нутқ бирликлари (нутқий ҳосилалар), уларнинг тилга муносабати масаласига ўтайлик. Бу ўринда шуни эслатиш лозимки, тил ва нутқ ҳодисалари субстанция ва мазмун жиҳатдан ўзаро бир-бирдан ажралган ҳолда мавжуд бўладиган воқелик эмас. Тил билан нутқ бир-бирини шартлайдиган, бири иккинчисини вужудга келтирадиган, демак, бирисиз иккинчиси ҳақида гапириб бўлмайдиган воқеликдир.

Тил ва нутқ ҳодисаларининг ўзаро фарқини ҳис этмоқ учун, аввало, оралиқ ҳодиса — тил қобилияти (тилни билиш ва қўллаш) га эътибор бермоқ керак. Чунки ижтимоий психофизик ҳодиса ҳисобланадиган

тилнинг мавжудлиги ва объектив воқелик ҳисобланадиган нутқнинг рўёбга чиқиши инсон қобилиятининг потенциал ва функционал хусусиятлари билан боғлиқ. Бу ўринда шуни айтиш керакки, шахснинг сўзлаш қобилияти туғма бўлмай, у жамият кишиларининг ташқи нутқлари асосида шаклланади. Тил қобилияти [43:36—68] аслида шахснинг ақлий фаолият тури бўлиб, у «тил ўрганиш» ва «тил қўллаш» компонентларидан иборат. Киши тил ўрганиш операциясида «нутқ→тил», тил қўллаш операциясида эса «тил→нутқ» воқеалар тизмаси билан иш кўради, умуман, шахснинг тил қобилияти ҳодисаси икки қиёфали бўлиб, бири билан тилга (тилни билганлиги), иккинчиси билан нутққа ўгирилган.

Ф. де Соссюр тил ва нутқнинг генетик циркуляцияси ҳақида тўхталиб, нутқнинг тилдан олдин келишини (воқе бўлиши), нутқдан эса тилнинг ҳосил бўлишини кўрсатиб ўтган эди. Бу ўринда «нутқ→тил» жараёнини кўздан кечирадиган бўлсак, бунда тил бирликларининг тил ўрганувчи киши хотирасига ихтиёрсиз тарзда ўтмаслигини, балки сўзловчининг ўзи интеллектуал фаолилик кўрсатиб, тил бирликларини у билан алоқада бўлган сўзловчиларнинг нутқлари таркибидан юзлаб, минглаб кузатишлар асосида «филтрлаб», саралаб (тафаккурнинг ажратувчилик-умумлаштирувчилик фаолияти натижасида) олишини сезиш қийин эмас. Ўз навбатида, тил қўллаш операцияси эса («тил→нутқ») олдинги жараённинг («нутқ→тил») акс йўналишида, маълум коммуникатив мақсад учун амалга оширилиши ҳам маълум бўлади.

Қуйида бир-бирини ташкил этишда иштирок этувчи, бири иккинчисига айланувчи, шу билан бирга, нисбий мустақиллик белгиларига эга бўлган тил ва нутқ ҳодисаларининг қарама-қарши хусусиятларини кўриб ўтамиз:

1. Тил турли хил бирликларнинг (фонема, морфема, лексема, моделларнинг), улар орасидаги барқарор муносабатнинг мажмуи, нутқ эса:

а) шу мажмуага оид бўлган бирликларнинг маълум қисмидан фойдаланиб, айрим коммуникатив мақсадлар учун ҳосил қилинган қурилмалар (маълум моделлар асосида вужудга келтирилган конкрет сўз формалари, сўз бирикмалари, гаплар) дир;

б) шу мажмуага оид бўлган минимал номинатив ташкил этувчи бирликларнинг хусусий функционал реализациясидир.

Масалан, қуйидаги жумлани олайлик: *Азизим! Бахтни бировларнинг остонасидан қидирманг!* (А. Қаҳҳор, «Оғриқ тишлар»). Бу жумлани тузишда қуйидаги тил бирликларидан фойдаланилган:

а) лексемалар: [азиз], [бахт], [биров], [остона], [қидир];

б) аффиксал морфемалар: [-им], [-ни], [-лар], [-нинг], [-си], [-дан], [-ма], [-нг];

в) сўз бирикмалари моделлари: [от+феъл]; [от+от];

г) гап модели: [тўлдирувчи+ҳол+кесим].


Ушбу ўринда тил билан нутқнинг ўзаро муносабатини оладиган бўлсак, тил ҳамма ўзбеклар учун мавҳум ҳолдаги ўзгармас миқдордир. Нутқ эса тилдан бир шахс ҳосил қилган муваққат коммуникатив қурилмадир. Бу коммуникатив қурилма ҳам нисбий мустақил бўлиб, унинг мавжуд бўлиш формаси ва бу форманинг сифати (мазмун ҳолати, йўналиши, вариантлиги) сўзловчининг ҳодисаларни англай билиши, нутқ шароити, тил билими ва ундан фойдаланиш савияси (малакаси) каби компонентлар билан боғлиқдир.

II. Тил бирликлари парадигматик, нутқ бирликлари эса синтагматик боғланишда яшайди.

Соссюр тил бирликларининг хотирада мавжудлик ҳолатини, уларнинг психик томонини ҳисобга олиб, «ассоциатив муносабат» атамаси билан номлаган эди [47:158]. Кейинчалик бу тил бирликларининг ўзаро муносабатларига катта эътибор берилиб, «парадигматик муносабат» ёки «парадигматика» атамаси билан номланди [8:202—219, 27:4—8, 42:65—66, 72].

Ф. де Соссюр талқини бўйича, нутқдан холи бўлган [47:155] тил бирликлари киши хотирасида турли-туман систем муносабатларда яшайди ва бу систем муносабатларни ташкил этувчилари орасидаги боғланиш *парадигматик боғланиш дейилади*. Қўп сонли тил бирликлари тил хотирасида улардан нутқ жараёнида тез ва адашмасдан фойдаланиш учун дискрет (бўлинган) ва систем (маълум тартибли) ҳолатда «ушлаб турилади». Катта миқдордаги тил бирликларининг киши хотирасида дискрет ҳолда сақланиши, одатда, уларнинг ўзаро оппозитив (қарама-қарши) муносабатда бўлишига асосланади. Маълум ўхшашлик ва айрим фарқлар билан қарама-қарши турган икки ва ундан ортиқ тил бирликлари ўзаро оппозитивдир. Икки ва ундан ортиқ оппозитив тил бирликлари парадигма қаторини ташкил этади.

Икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг бир парадигма қаторида бирлашиши учун улар орасида субстанция ва маъно (функция) томонидан маълум ўхшашлик, фарқ, зиддият бўлиши шарт. Масалан, отларнинг эгалик аффикслари орасидаги парадигматик боғланишни кўрайлик. Парадигма қаторида олти аффикс бўлиб, уларнинг ҳар бири «нарса-буюмнинг шахсга қарашлилиги» маъноси мавжудлиги туфайли ўзаро ўхшаш. Айни вақтда уларнинг ҳар бири ўзининг хусусий маъносига эгаллиги, яъни маълум предметнинг бирлик ёки кўпликдаги шахс турларидан айнан бирига қарашлилиқни ифодалаши билан бир-биридан фарқ қилади ва шу жиҳатдан ўзаро оппозитивдир:



Масалан, [-им] аффикси айни бир пайтнинг ўзида қолган беш морфема билан (кучли ва кучсиз ҳолатларда) оппозитив муносабат ҳосил этади.

Парадигматик боғланиш фонема, морфема, лексема, конструкция каби тил бирликларини киши хотирасида «занжирсимон» тарзда ушлаб туради. Натижада улардан бирининг эсланиши у билан боғланган бошқа бирликларни ёдга туширади, шу йўл билан тил бирликларининг хотирада дастлабки кичик системаларга уюшув таъминланади.

Тил билан нутқни фарқлаш асосчиси бўлган Соссюрнинг талқини бўйича, синтагматик алоқа, аввало, тил бирликларининг ётиқ чизиқ бўйича бирин-кетин ўзаро боғланиб муносабат ҳосил этишидир. Нутқий бирин-кетинлик икки тил элементининг бир пайтда юзага чиқишига йўл қўймайди, бу эса ўз навбатида ҳар бир элементнинг нутқда алоҳида-алоҳида талаффуз этилиши, эшитилиши, «танилиши» учун омил бўлади. Тил элементларининг нутқ оқимида бирин-кетин келиб, изчил боғланишидан нутқий бирлашмалар — синтагмалар [47:155] ҳосил бўлади. Синтагма камида икки бирликдан ташкил топади. Синтагманинг ҳар бир аъзоси ўздан олдин ёки кейин келаётган бирлик билан бир бу-

тунликни ташкил этиши натижасидагина маълум коммуникатив қиймат (маъно, функция) касб этади. *Синтагма* тушунчаси фақат сўзларнинг ўзаро боғланишигагина алоқадор бўлиб қолмасдан, сўзформалар, гап бўлаклари ва гапларга (қўшма гап таркибида содда гапларнинг бирин-кетинлиги) ҳам алоқадордир. Систем-структур тилшунослик асосчиси Соссюр нутқдаги элементларнинг бирин-кетинлик муносабатини *синтагматик муносабат* [47:155—157] деб атади.

Демак, тил элементлари тил хотирасида парадигма тил муносабат ҳосил этиб яшаса, нутқий бирликлар бирин-кетинлик «занжири»да — синтагматик алоқада юзага келади. Шунинг учун парадигматикани тасвирлашда тил элементлари тик жойланади, нутқ элементларини тасвирлашда эса унинг қисмлари ётиқ йўналишда жойланади:

Парадигмалар			
Киши номлари	Сон катего-рияси	Эғалик кате-горияси	Келишик ка-тегорияси
[антропоним] [касбига кўра]	[Ø]	[-им] [-инг] [-в]	[Ø] [-нинг] [-ни]
[миллатига кўра]	[-лар]	[-нимиз] [-нгиз]	[-га] [-дан] [-да]
[турар жойига кўра]		[-лари]	
Синтагматика			

Синтагматик алоқаларни фақат нутққа хос деб айтиш қўпол хато бўлур эди. Синтагматик алоқага киришиш қобилияти, имконияти тил бирликларида мужассамланган бўлади. Чунончи, предметликни ифодаловчи лексема сон категорияси морфемалари билан синтагматик алоқага кириша олади, лекин [-роқ] морфемаси билан худди шундай алоқага кириша олмайди. Шунингдек [кел-] феъли нисбат, майл, замон каби категорияларнинг морфемалари билан синтагматик алоқа ҳосил қила олади, лекин отларга мансуб сон ва эғалик морфемалари билан боғлана олмайди. Кўриниб турибдики, синтагматик муносабат нутқда рўёбга чиқса ҳам, бундай муносабатга эга бўлиш имконияти тил бирликларида мужассамланган бўлади.

Шундай қилиб, тил ва нутқ бирликлари орасидаги муҳим фарқлардан яна бири тил бирликларининг танланишга имкон берадиган парадигмаларда, нутқ бирликларининг эса танланиш асосида бирин-кетинликда бирлашадиган ҳосилалар — синтагмаларда [8:218] воқе бўлишидир.

III. Тил системаси тил бирликлари бўлмиш фонемалар, лексемалар, морфемалар, шунингдек, сўз бирикмаси моделлари ва гап моделлари каби турли сатҳларга оид бўлган кичик системаларнинг ўзаро ташкил этувчилик роли асосидаги боғланишидан вужудга келган. Сўзловчи тил бирликларини ўз хотирасида маълум тартибда сақлайди ва улардан кераклигини хоҳлаган вақтда танлаб олиб, конкрет материал (моддий) шаклга киритади ва нутқ ҳосил қилиш учун фойдаланади. Тил системасининг қурилма марказини лексемалар ташкил этади: улар маълум турдаги тил бирликлари (фонемалар ва морфемалар) ни ўзига ташкил этувчилар сифатика қабул қилади ва ўзлари муҳим ташкил этувчилар сифатида бошқа бирликлар (сўз бирикмалари ва гаплар) ни ташкил этишда қатнашади. Буларнинг барчаси маълум бир жамият учун тайёр, умумий ва мажбурийдир.

Нутқ системаси эса турли типдаги кичик тил системаларидан танлаб олинган бирликлар ёрдамида ҳосил қилинадиган, шахсий коммуникатив мақсад учун хизмат қилиб, ўзининг физик, моддий кўламига эга бўлган ҳосилалар билан иш кўради. Нутқ системаси бирликлари аслида турли типдаги тил бирликлари табиатида мавжуд бўлган ўзаро бирика олиш имкониятининг миллионлаб кишилар томонидан юзага чиқарилиши натижасида воқе бўлади. Шунинг учун тил бирликлари диалектик имконият, сабаб хусусиятларига эга бўлса, нутқ бирликлари воқелик, натижа табиатига эгадир.

IV. Тил бирликлари умумийлик ва моҳиятни инвариантларда, нисбатан ўзгармас барқарорликда, нутқ бирликлари эса вариантларда, хусусий кўринишларда акс эттиради.

Тил бирликлари диалектик умумийлик характерига эга бўлган ижтимоий-психик хотира бирликлари бўлиб, улар мавҳумлаштирилган оппозицион белгилар синтези заминида шаклланган. Оппозицион белгилар мажмуи ҳар бир тил бирлигининг мазмун (моҳият) ини ташкил этади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги [а] фонемасининг мазмуни (моҳияти) унинг «кенг» ва «лабламанмаган»



лигидир; [ўрта] лексемасининг моҳиятини «сатҳнинг», «четларидан», «маркази томон», «тенг», «узоқликда», «қисм ёки нуқта» семаларининг синтези [50:514] ташкил этади; { [сифат] + [от] } моделининг моҳияти «белги + предмет» тарзида комбинацион мазмун билан изоҳланади ва ҳоказо.

Ҳозирги давр тилшунослигида тил бирликларининг хотирада уларнинг ўзлигини таъминловчи мазмун билан мавжудлик формаси бу бирликларнинг инвариантлик ҳолати сифатида тан олинади.

Нутқ бирликлари аслида кузатилиш хусусиятига эга бўлмаган тил бирликларининг нутққа олиб чиқилиши, намоён бўлишидир. Масалан, юқорида эслатилган тил бирлиги [а] фонемасини оладиган бўлсак, уни ўзбек тилида сўзлашувчилар ҳар хил шарт-шароитда ҳар хил талаффуз этадилар. Шу асосда [а] фонемасининг турли даражадаги нисбий нутқий қисқалик, чўзиқлик, юмшоқлик, торлик, кенглик, пастлик, баландлик каби белгилар билан «чулғанган» кўринишлари юзага келади. Яна бир мисол: [ўрта] лексемаси нутқда, аввало, сўзловчи томонидан «сатҳ» семасининг конкретлаштирилиши, хусусийлаштирилиши натижасида [ (боғ ўртаси), (кўча ўртаси), (ҳовуз ўртаси), (дала ўртаси), (дарё ўртаси) ва ҳоказо], шунингдек, бу акустик қурилишни турлича талаффуз этиш заминида турли кўринишлар ҳосил қилади.

Нутқдаги вариант ва тилдаги инвариант бирликларининг ўзаро нисбий мустақил эканлигини предмет ва шу предметнинг онгимиздаги маъноси билан қиёслаб билса бўлади. Масалан, онгимизда [дарахт] тушунчаси бор. Бу — бевосита кузатишда берилмаган, идеал-интеллектуал бирлик. Лекин биз табиятда ва расмларда қандайдир умуман «дарахт»ни эмас, балки конкрет, хусусий дарахтларни кўрамиз. Онгимиздаги [дарахт] тушунчаси табиятда учрайдиган, биз кўра ва ушлай оладиган, сезадиган миллионлаб дарахтларнинг жузъий белгиларидан ҳолидир. Ушбу идеал «дарахт» тушунчасини *инвариант* деб олсак, табиятдаги ҳар бир дарахтни нутқий вариантга тенглаштириш мумкин.

V. Тил имконият бўлиб, нутқ шу имкониятнинг маълум даражада юзага чиқарилишидир. Тилнинг имконият манбаи эканлиги унинг коммуникатив вазифа учун ишлатилувчи бирликлар йиғиндиси эканлигида, маълум хабарни ифодалаш учун тил системасида икки ва ундан ортиқ восита, усулларнинг мавжуд эканлигида

кўринади. Масалан, тилда лексик ва грамматик синонимлардан, турлича моделлардан топқирлик билан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Тил бирликларидан ижодий фойдаланиш, бир томондан, нутқни ранг-баранг қилиш, иккинчи томондан, якка шахс нутқидан тортиб услубларнинг ўзига хослигини вужудга келтириш имконини беради. Шундай қилиб, нутқ бирликларида тил имконияти реаллашади.

VI. Тил бирликларига аввалдан барқарорлик, доимийлик ва мажбурийлик хусусияти, нутқ бирликларига эса вақтинчалик ва эркинлик хусусияти хос. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, тилнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган нутқ бирламчи воситачилик вазифасини бажаради: янги туғилган бола дастлаб катта ёшдагилар нутқига дуч келади, ўзгалар нутқини тинглаб, таҳлил қилиб, индуктив-дедуктив хулосаларга таяниб гапира бошлайди. Тил бирликлари тингловчи-ўрганувчилар учун бошиданоқ мажбурий ҳисобланади. Урганувчи уни субьектив ўзгартиришга ҳаракат қилса ҳам, ўз-ўзидан бунинг иложи йўқлигини ва фойдасизлигини, бу нарса бутун жамоа томонидангина амалга оширилиши мумкинлигини сезади (айрим кишиларнинг баъзи сўзлар маъно ва товуш структурасини, айрим қурилишларни қасддан, бошқалардан яшириб гаплашиш учун ўзгартиришлари вақтинчалик, сунъий ҳодиса ҳисобланади).

Нутқ бирликлари нутқ онининг ўзидагина тил имконияти заминидан эркин (синонимик воситалардан, тил бирликлари қўллашдаги ижодкорликдан фойдаланилган ҳолда) тузилади. Нутқ бирлигининг коммуникатив вазифасини бажаргач, макон ва замондаги яхлитлигини тугатади (уларни эсдалик сифатида лентада ёки шартли ёзув белгилари билан қоғозда олиб қолиш, асраш мумкин).

VII. Ушбу рисолада, гарчанд ўта юзаки тарзда бўлса ҳам, тил ва нутқ орасидаги диалектик алоқа ва муносабат ҳақида айтилган фикрларни қуйидагича умумлаштириб кўрсатиш мумкин:

Тил	Нутқ
умумийлик (моҳият)	хусусийлик (ҳодиса)
имконият	воқелик
тайёрлик	ҳосилалик
мажбурийлик	ихтиёрийлик
бирликлари чегараланган	бирликлари чегараланмаган

Юқорида кўриб ўтилган тил ва унинг моҳияти, нутқ ва унинг моҳияти, тил ва нутқ бирликларининг ўзига хос табиати тавсифидан аёнки, систем-структур тилшунослик лингвистик тадқиқот объектини — тил ва нутқ бирликларининг табиатини анъанавий тилшуносликка нисбатан бошқача тушунади: систем тилшуносликда тил бирликлари деб олинадиган элементлар бевосита кузатишда берилмаган ва фақат ақлий таҳлил, интеллектуал усул билан очилиши мумкин. Демак, систем-структур ва анъанавий тилшуносликда тил бирликларининг тушунлиши, уларнинг табиатини ўрганувчи тадқиқот усуллари, методологияси ўзаро фарқ қилади. Анъанавий тилшуносликда тил бирликлари деб конкрет, моддий, бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этадиган ҳолатда берилган хусусийликлар тушунлади ва бу тилшунослик ушбу хусусийликларни тасвирлаш методидан, тажриба, кузатиш, жонли мушоҳада усуллари-дан, яъни эмпирик таҳлил методологиясидан фойдаланадиган ва шу методология асосига қурилган тилшуносликдир. Шунинг учун бугунги ўзбек тилшунослигида етакчи йўналиш, эмпирик, номиналистик йўналишдир. Систем-структур тилшуносликда эса бевосита кузатишда берилмаган, фақат нутққа таянилган ҳолда ақлий йўл билан очиладиган тил бирликларининг табиати диалектик умумийлик, имконият ва моҳият сифатида тушунлади ҳамда бу тилшунослик диалектик умумийлик, имконият ва моҳиятни очиш усуллари — диалектик, рационалистик (ақлий) таҳлил методологиясига асосланади. Диалектик таҳлил методологияси фалсафий ва бошқа илмий адабиётларда назарий билимлар методологияси [14] деб ҳам аталади.

Инсоният тарихида фанлар тараққиёт диалектикаси шуни кўрсатадики, ҳар бир фаннинг тараққиёти узлуксиз «эмпирик ~ диалектик ~ эмпирик ~ диалектик...» занжирдан иборатдир. Бу занжирнинг табиатини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўрганиш объекти, ни кўпайгач, уларни умумлаштириш, уларнинг моҳия-қилиб, фанни турғунликдан чиқариш учун эмпирик таҳтини очиш зарурияти туғилади; мана шу зарурият фанда инқилобий вазиятни юзага келтиради; шундай аввало, жонли мушоҳада, бевосита кузатиш воситасида ўрганилиб, унинг хусусиятлари, қирралари, томонлари аниқланади, натижада бу хусусиятлар, далиллар, ҳодисалар тўпланади, сараланади; тўпланган далиллар со-лил усулларида ақлий, диалектик таҳлил усулларига

Ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлади; маълум муддатда (фанда бу давр жуда узоқ: 100—500, ҳатто 1000 йил, шунингдек, жуда қисқа: 10—15 йил оралиғида) бу эҳтиёж албатта амалга ошади; тўпланган далиллар, ҳодисалар, улар ҳақидаги дастлабки қарашлар ақлий, диалектик метод ёрдамида умумлаштирилади, дастлаб эмпирик усул билан ўрганилган объектнинг бутунлай янги томонлари, янги моҳиятлари очилади, шу объектнинг моҳиятини янада чуқурроқ очиш учун янги усуллар белгиланади; ақлий йўл билан очилган бу янги усулларни яна амалиётга татбиқ этиш натижасида объектни янги босқичдаги эмпирик ўрганиш бошланади ва яна янги далиллар йиғила бошлайди, улар кўпайгач, яна фанда навбатдаги инқилобий вазият юзага келади ва ҳоказо.

Ҳозир ўзбек тилшунослиги ўзининг навбатдаги инқилобий тараққиёт босқичида турибди. Ўзбек тилшунослигини турғунлик ҳолатидан чиқаришнинг ягона ва тўғри йўли ҳозиргача эмпирик асосда йиғилган, сараланган, олдинги босқич талаблари асосида шарҳланган тил далилларини назарий, диалектик усул билан умумлаштиришга, уларнинг моҳиятини талқин этишга ўтишдир.

## ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. Абдуазизов А. Фонетика, фонология ва морфологиянинг актуал масалалари. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1979, 3-сон.
2. Аврорин В. А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. Ленинград, 1975.
3. Амирова Т. А., Ольховинов Б. А., Рождественский Ю. В. Очерки по истории лингвистики, М., 1975.
4. Апресян Ю. Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики, М., 1965.
5. Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. А. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1979.
6. Бердиёров Х., Хўжаев Т., Йўлдошев Б. Умумий тилшунослик. Самарқанд, 1974.
7. Березин Ф. М., Головин Б. Н. Общее языкознание, М., 1979.
8. Брендалъ В. Структуральная лингвистика. — В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях. Часть II, М., 1965.
9. Волков А. Г. Язык как система знаков, М., 1966.
10. Гардинер А. Различие между «речью» и «языком». — В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях. Часть II, М., 1965.
11. Гиргас В. Ф. Очерк грамматической системы арабов, С. Петербург, 1869.
12. Ельмелев Л. Язык и речь. — В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях. Часть II, М., 1965.
13. Жабборов Н. И., Нетьматов Х. Ф. Назарий билим методологияси. «Ўқитувчилар газетаси», 1989, 4 январь.
14. Жинкин Н. И. Речь как проводник информации, М., 1982.
15. Звегинцев В. А. Предложение и его отношение к языку и речи, М., 1976.
16. Иванов С. Н. Родословное древо тюрков Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк. Ташкент, 1969.
17. Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Ленинград, 1972.
18. Кодухов В. И. Общее языкознание, М., 1974.
19. Комлев Н. Г. Компоненты содержательной структуры слова, М., 1969.
20. Кононов А. Н., Нигматов Х. Г. Махмуд Кошгарский о тюркских языках. — История лингвистических учений Средневекового Востока. Ленинград, 1982.
21. Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Автореф. докт. дисс. Ташкент, 1978.
22. Леонтьев А. А. Слово в речевой деятельности, М., 1965.
23. Леонтьев А. А. Язык, речь, речевая деятельность, М., 1969.
24. Ломтев Т. П. Язык и речь. — В кн.: Ломтев Т. П. Общее и русское языкознание, М., 1976.
25. Нарзиева М. Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили. — Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 5-сон.

26. Неъматов Ҳ. Қайта қуриш стратегияси ва ўзбек синхроник тилшунослигининг вазифалари. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1987, 3-сон.
27. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1988, 6-сон.
28. Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI—XII веков. Ташкент, 1988.
29. Общее языкознание. Внутренняя структура. М., 1972.
30. Общее языкознание. Формы существования языка. М., 1973.
31. Омонтурдиев Ж. Трансформалар — нутқ бойлиги. — Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 4-сон.
32. Панфилов В. З. Якушин В. В. и др. Антология языка как общественное явление. М., 1983.
33. Раҳматуллаев Ш. Отларда негиз. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, 1-сон.
34. Раҳматуллаев Ш. Отларда негиз. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, 2-сон.
35. Раҳматуллаев Ш. Семема — мустақил тил бирлиги. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1984, 5-сон.
36. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъноси компонент таҳлилининг баъзи натижалари. — Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 3-сон.
37. Ревзин И. И. Модели языка. М., 1962.
38. Русская грамматика. Часть II. М., 1980.
39. Смирницкий А. И. Объективность существования языка. М., 1954.
40. Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971.
41. Теория речевой деятельности. М., 1968.
42. Торопцев И. В. Язык и речь. Воронеж. 1985.
43. Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тўзлиши, Низомий номидаги ТошДПИ. Илмий асарлар. 42-том. I-китоб. Тилшунослик масалалари. Тошкент, 1963.
44. Усмонов С. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1972.
45. Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. М., 1977.
47. Язык и речь. Тезисы докладов. Тбилиси. 1971.
48. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М., 1981.

НЕЪМАТОВ Х., БОЗОРОВ О.

## ТИЛ ВА НУТҚ

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

Таҳририят мудирини С. Мўминов  
Муҳарририни М. Собирова  
Бадий муҳарририни Ж. Одилов  
Техн. муҳарририни Э. Вильданова  
Мусахҳиҳани Л. Мирзаҳмедова

ИБ № 6059

Теришга берилди. 27.10.92. Босишга рухсат этилди.  
20.02.93. Формати 84×108/32. Тип. қоғози. Кегель 10 шпон-  
сиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида  
босилди. Шартли б. л. 1,68. Шартли кр.-отт. 1,89. Нашр.  
л. 1,41. Тиражи 7000. Зак. 4.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома 13-327-91.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Янгийўл ижара китоб фабрикаси, Янгийўл ш., Самарқанд  
кўчаси, 44. 1993.

Н 52.

Неъматов Ҳ., Бозоров О.

Тил ва нутқ.—Т.; Уқитувчи, 1993.—32 б.—  
(Фан ютуқлари — олий мактабга. Тилшунос-  
лик № 1).

Сарл. олдида: Ўзбекистон халқ таълими  
вазирлиги, Республика ўқув-методика марка-  
зи.

I Автордош.

Неъматов Х., Базаров О. Язык и речь.

ББК 81 2Ўз.

№ 82—93

Навоий номи Ўзбекистон Республи-  
каси давлат кутубхонаси.

Тираж 4000

Қарт. тиражи 8000